



20 20y « 2 » июль

№ Қ-308

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

**Қизириқ туманидаги “Зарбдор” маҳалласи  
худудидан “Термиз боғбон” МЧЖга  
“Иссиқхона” қурилиши учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/339-сон йиғилиш баёни ва Қизириқ тумани ҳокимининг 2020 йил 5 июндаги 01-05/362-сон хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/339-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Қизириқ туманидаги “Зарбдор” маҳалласи худудидан “Термиз боғбон” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 898-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 39,5 балл бонитетли 5,0 гектар суғориладиган экин ер майдонида “Иссиқхона” қурилиши учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Термиз боғбон” МЧЖ бошлиғи М.Самадовга:  
ажратиб берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;  
мақсадсиз фойдаланилганда ажратиб берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Қизириқ тумани ҳокимлиги (О.Муҳаммадиев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов